

**Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини
мувофиқлаштиришни такомиллаштириш зарурияти**

Жасур Саттор ўғли ШАРИПОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада маҳалла институтининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги роли, уларни мувофиқлаштириш борасидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида баён қилинган. Маҳаллалар тизимида мувофиқлаштиришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: маҳалла, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, криминоген вазият, халқаро тажриба, мувофиқлаштириш.

**Необходимость совершенствования координации профилактики
правонарушений в махаллях**

Жасур Саттор углы ШАРИПОВ

независимый исследователь

Университет общественной безопасности Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье проведены исследования, направленные на определение роли института махалли в профилактике правонарушений, существующих проблем в координации профилактики правонарушений в махаллях и путей их решения, сформулированы предложения и рекомендации, направленные на совершенствование сферы.

Ключевые слова: махалля, профилактика правонарушений, криминогенная ситуация, международный опыт, координация.

Замонавий давлатчилик тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай демократик давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятдир. Бу эса ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун комплекс, тизимли ва идоралараро ёндашувни талаб қилади.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайдиган стратегик ҳужжат бўлган Ўзбекистон

Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими” сифатида тартибга солинган [1].

Статистика агентлигининг ҳисоботида қайд этилишича, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг криминоген вазияти жиддий ўзгарган. Мисол учун, 2020 йилдан 2024 йилга қадар (5 йил ичида) бу кўрсаткич қарийб икки баробарга ошган. 2024 йилда жиноятлар сони 2023 йилга нисбатан 27,1%га ошиб, юз минг аҳоли сонига 3,56 та жиноят тўғри келган, Тошкент шаҳрида жиноятлар даражаси энг юқори бўлиб, ҳар 100 минг аҳолига 10,43 та жиноят тўғри келмоқда. Тошкент вилояти, Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида ҳам жиноятчилик даражаси юқори [3]. Бу қиёсий солиштириш жойларда профилактика ишларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Айнан юқорида келтирилган кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1-сон қарори [2] асосида 2025 йилда ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш устувор вазифа этиб белгиланишига сабаб бўлган. Бу мазкур масалаларга юқори даражада эътибор қаратилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига жамиятда ҳуқуқий тартибни таъминлаш ва ижтимоий барқарорликка эришиш учун аҳамият касб этадиган муҳим жараён сифатида ёндашилишига олиб келди ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, айниқса маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича фаолиятни такомиллаштиришни муҳим вазифалардан бири сифатида ҳал қилишга

ундамоқда. Таъкидлаш жоизки, “2025 йилнинг олти ойида ҳар бир вилоят, туман ва маҳалла бўйича манзилли «йўл хариталари» асосида ижтимоий профилактиканинг самарали тизими йўлга қўйилиб, жамоат жойларини рақамлаштириш қамрови оширилган. Алоҳида эътибор вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар ва оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятчиликни жиловлашга қаратилганлиги натижасида 5200 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир бўлмаган” [4].

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишга қаратилган чоратадбирларнинг янги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги «Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–253-сон қарори билан бошланганлигини қайд этиш жоиз. Бу эса маҳаллаларда жиноятчилик ҳолатини ўрганиш бўйича комплекс тадқиқотларни жадаллаштириш, профилактика инспекторлари, тезкор-қидирув, патруль-пост ва қўриқлаш хизмати фаолияти кучайтирилиб, аҳоли хавфсизлигини жойларда таъминлашни ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаолларини жалб этишни тақозо этади. Шу сабабли бутун тизимни пастга тушириб, ҳар бир маҳаллани «жиноятчиликдан холи ҳудуд»га айлантириш мақсади кўзланган.

Сўнгги йилларда ҳуқуқбузарликлар даражасининг ўсиши ва уларнинг хусусиятининг мураккаблашиши тенденцияси кузатилмоқда, бу эса нафақат Тошкент шаҳрида, балки республиканинг деярли барча ҳудудларида жамоат хавфсизлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган бир қатор ижтимоий, иқтисодий ва демографик омиллар билан боғлиқлигини тан олиш керак. Асосий омиллардан бири аҳоли катта қисмининг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий мослаша олмаслигидир. Бу ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасининг пасайиши, ўзини ўзи рўёбга чиқариш имкониятининг йўқлиги, таълим олиш ва касбий ривожланиш билан боғлиқ муаммоларда намоён

бўлмоқда. Натижада кўплаб ёшлар ижтимоий яккаланиш ёқасига келиб қолмоқда, бу эса уларни ғайриижтимоий ва ноқонуний хатти-ҳаракатларга жалб қилиш хавфини оширади. Бундан ташқари, миграция жараёнларининг ўсиши криминоген вазиятга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бошқа минтақалар ва мамлакатларда меҳнат миграцияси оқимининг катталиги, уларнинг ўз яшаш ҳудудларига қайтиб янги ижтимоий зиддиятларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратади, ҳуқуқ-тартиботни назорат қилишни мураккаблаштиради ва мигрантларни маҳаллий ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрларга мослаштириш учун қўшимча ресурсларни талаб қилади.

Ёшлар ўртасидаги ишсизлик жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ўсишини рағбатлантирувчи яна бир муҳим омилдир. Барқарор иш ўринлари ва мартаба истиқболларининг йўқлиги ёшларда ижтимоий беқарорликка, қонунга итоаткор ҳуқ-атворга бўлган мотивациянинг пасайишига, баъзан эса уларни ноқонуний фаолиятга, шу жумладан майда ўғрилик, безорилик ва бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга жалб этилишига олиб келади.

Бундан ташқари, криминоген вазиятга мавжуд муаммоли ҳудудлар ва ижтимоий-иқтисодий даражаси паст бўлган ҳудудлар таъсир кўрсатмоқда, уларда инфратузилманинг, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куч ва воситаларининг етишмаслиги, жамоатчилик институтларининг заиф иштироки кузатилмоқда. Бундай ҳудудлар жиноий фаоллик ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ўчоғига айланмоқда, бу эса алоҳида эътибор ва мақсадли профилактика чораларини талаб қилади. Ушбу омилларнинг барчаси биргаликда мураккаб ва кўп қиррали криминоген вазиятни келтириб чиқаради, уни алоҳида идораларнинг тор доирадаги чоратadbирлари билан самарали ҳал этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялари “...ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда

амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этишни, ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлигини ва уюшган ҳолда ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни” амалга ошириши белгиланган [1].

Шу билан бирга республика туманлари ва маҳаллаларида сезиларли ижтимоий хилма-хиллик, жадал урбанистик ривожланиш, ўз навбатида, турли хил ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда, бу эса профилактика чораларини кучайтириш заруратини келтириб чиқаради. Тан олиш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли бўлган турли давлат тузилмалари бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, суд муассасалари ёки ҳокимият органларининг бир томонлама саъй-ҳаракатлари криминоген вазиятнинг комплекс муаммоларини ҳал қилишга қодир эмаслигини ҳаётнинг ўзи намоён этмоқда. Муаммоларнинг хилма-хиллиги ва ўзаро боғлиқлиги ортиб бораётган шароитда ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикаси нафақат ўз вақтида аниқлаш ва муносабат билдиришни, балки идоралараро ахборот алмашинувини, мувофиқлаштирилган ҳаракатларни ва турли тузилмалар - ички ишлар органлари, прокуратура, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла), таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва бизнеснинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни ҳам талаб қилади. Айнан шунинг учун жамиятнинг турли идоралари ва институтлари вакиллари бирлаштирган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш долзарбдир. Бундай Кенгаш ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш майдонига айланади, бу эса янги хавф-хатарларга сифатли ва тезкор жавоб беришни таъминлайди.

Фақатгина доимий ҳамкорлик ва комплекс ёндашув асосида нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, балки уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга, туманнинг ижтимоий интеграцияси ва

барқарор ривожланиши учун шароит яратишга қаратилган самарали стратегияларни ишлаб чиқиш мумкин.

Айни пайтда маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари турли тузилмалар – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллалар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан олиб борилмоқда, бироқ кўпинча бу ишлар асосан чекланган ва тарқоқ характерга эга. Жараён иштирокчилари ўртасида комплекс ва тизимли ўзаро таъсирнинг йўқлиги профилактиканинг умумий самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради. Бу бир неча асосий ҳолатларда намоён бўлади. Ҳар бир тузилма ўз ваколатлари ва имкониятлари доирасида ҳаракат қилади, ўз дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқади, лекин бунда бошқа институтлар нуқтаи назаридан ҳуқуқбузарликларнинг умумий манзараси, сабаблари ва оқибатларини кам ҳисобга олади. Бу эса баъзи соҳаларда бир-бирини такрорлашга, бошқа муҳим жиҳатларга умуман эътибор бермасликка олиб келади.

Бундан ташқари, аҳолининг айрим тоифалари, масалан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар, мигрантлар, ишсизлар, муаммоли ҳудудлардаги маҳаллий жамоалар профилактика чора-тадбирлари эътиборидан четда қолмоқда. Натижада ҳуқуқбузарликлар барқарор тус оладиган хавф ўчоқлари шаклланади. Мувофиқлаштирилган ёндашувнинг йўқлиги бундай "заиф бўғинлар"ни аниқлаш ва қамраб олиш имконини бермайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ўртасида ахборот алмашинуви етарли эмаслиги сабабли ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ўз мақсадига эришишга муайян даражада тўсқинлик қилмоқда. Ҳодисалар, тенденциялар, аниқланган муаммолар ва иш натижалари тўғрисида идоралараро самарали маълумотлар алмашинуви бўлмаса, қарорлар қабул қилиш тезлиги ва сифати пасаяди. Хабардорликнинг етарли эмаслиги ҳуқуқбузарликларнинг комплекс сабабларини аниқлаш ва уларга қарши мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни мураккаблаштиради. Яъни, турли тузилмалар профилактика ишларининг турли ёндашувлари ва

усулларидан фойдаланади, бу эса самарадорликни баҳолаш ва илғор тажрибани оммалаштиришнинг умумий тизимини шакллантиришга имкон бермайди. Алоҳида ташаббусларга қарамай, муаммони комплекс ҳал этишда бизнес ҳамжамияти ва жамоат бирлашмалари салоҳиятидан фойдаланиш имконини берадиган ҳамкорликнинг аниқ ташкил этилган механизми мавжуд эмас.

Ушбу омиллар биргаликда профилактика ишларининг самарасиз бўлишига, сезиларли ижтимоий таъсирсиз ресурслар сарфланишига, аниқланган ва маҳаллийлаштирилган чора-тадбирларнинг барқарор тизимли ечимларга айланмаслигига олиб келади.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими дуч келаётган асосий муаммолардан бири – бу жараёнда иштирок этаётган турли тузилма ва идоралар ўртасидаги идоралараро ҳамкорликнинг мураккаблигидир. Ҳар бир идора, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, прокуратура, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ёки бизнес ҳамжамияти бўлишидан қатъи назар, ўз тартиб-қоидалари, ички тартиб-қоидалари ва устувор йўналишлари бўйича ишлайди, бу эса кўпинча биргаликдаги ҳаракатларни самарали мувофиқлаштиришга тўсқинлик қилади.

Профилактиканинг самарадорлигини ошириш учун тарқоқ фаолиятдан биргаликда режалаштириш, мувофиқлаштириш ва чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилишга асосланган уюшган, келишилган, тизимли фаолиятга ўтиш зарур. Айнан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ташкил этилиши ушбу камчиликларни бартараф этиш, аҳоли ва ҳудудларни комплекс қамраб олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ягона самарали тизимини шакллантириш имконини беради.

Замонавий жамиятда аҳолининг ижтимоий масъулияти даражаси ва фуқаролик жамияти турли институтларининг фаоллиги сезиларли тарзда ошганлиги кузатилмоқда. Одамлар ўз ҳудудида турмуш шароитини яхшилаш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва ижтимоий муҳитни ривожлантиришдан тобора

кўпроқ манфаатдор. Бу ҳукукбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ кўшма муаммоларни самарали ҳал этиш учун ресурс салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилади. Бундай фаолликнинг асосий омили бевосита ҳудудда жойлашган ва аҳоли манфаатларини ифода этадиган ҳамда муаммоларни тезкор аниқлаш ва маҳаллий ресурсларни сафарбар қилиш бўйича ноёб имкониятларга эга бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) ролини ошириш ҳисобланади. Маҳаллалар жамоатчилик назоратининг бирламчи даражасини шакллантиради, микроҳудудларда ҳукуқ-тартибот маданиятига таъсир кўрсатади ва ижтимоий кескинликни камайтиришга ҳисса қўшиши мумкин.

Бундан ташқари, жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармалари, ёшлар ҳаракатлари ва бошқа бирлашмаларнинг роли ортиб бормоқда, улар қонунга итоаткорликни тарбиялаш ва аҳолининг заиф тоифаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларга фаол қўшилмоқда. Уларнинг иштироки профилактика инфратузилмасини кенгайтириш, қўшимча таълим, психологик ва ижтимоий ресурслардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Барқарор ва хавфсиз ишбилармонлик муҳитини яратиш, шунингдек, корпоратив ижтимоий масъулиятни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бизнес ҳамжамиятини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Компаниялар ва тадбиркорлар профилактик ташаббусларни моддий, ахборот ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари, ёшларни иш билан таъминлаш дастурларида, бўш вақтларини ташкил этиш ва ижтимоий кампанияларда иштирок этишлари мумкин.

Туман ҳокимлиги ҳузурида Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ташкил этилиши давлат органлари, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва бизнес ўртасида доимий мулоқот, фикр алмашиш ва тадбирларни биргаликда режалаштириш платформасини таъминлаш, профилактика дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга барча манфаатдор томонларни тизимли жалб қилиш, бу эса уларнинг сифати ва қамровини ошириш, шунингдек,

аҳолининг давлат институтларига бўлган ишончини ошириш ва ҳамкорлик тамойилларини мустаҳкамлаш имконини беради, бу эса туманнинг ижтимоий барқарорлигини сезиларли даражада оширади. Яъни, мувофиқлаштирувчи органни шакллантириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жараёнига жамиятни тизимли жалб қилишда муҳим кадам бўлади, ҳамкорликнинг самарали механизмларини яратиш ва маҳаллаларда профилактика ишларини сезиларли даражада кучайтириш имконини беради.

Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун *ягона мувофиқлаштирувчи тузилма* – *туман ҳуқуқбузарликлар профилактикаси* *Мувофиқлаштирувчи кенгаши*ни ташкил этиш зарур бўлиб, у профилактика ишларининг барча иштирокчиларининг биргаликдаги фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бундай тузилманинг асосий функциялари:

барча идора ва ташкилотларнинг манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ягона стратегия ва ҳаракатлар режасини шакллантириш;

профилактика ишларини ташкил этишнинг ягона методологияси ва стандартларини яратиш;

марказлашган коммуникация каналини ташкил этиш орқали мунтазам ахборот алмашинуви ва тезкор жавобни таъминлаш;

жавобгарлик зоналарини аниқ тақсимлаш ва қарорлар ижросини назорат қилиш;

турли идоралар мутахассисларини биргаликда ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

мувофиқлаштириш орқали ресурсларни сафарбар қилиш ва улардан фойдаланишни оптималлаштириш.

Натижада Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолият кўрсатиши идоралараро ҳамкорликнинг изчиллиги, тезкорлиги ва самарадорлиги даражасини сезиларли даражада ошириш, профилактика чоратадбирларининг тизимлилигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар

даражасини пасайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда сезиларли натижаларга эришиш имконини беради.

Шундай қилиб, республика ҳар бир туман ҳокимлиги ҳузурида Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ташкил этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастурини амалга ошириш самарадорлигини оширишнинг зарур воситаси ҳисобланади. Турли тузилмаларнинг биргаликдаги ва мувофиқлаштирилган фаолияти туман аҳолиси учун хавфсиз, қулай ва фаровон муҳит яратишга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва ижтимоий кескинлик даражасини пасайтиришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни
<https://www.lex.uz/docs/2387357>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январ “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарори
//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.01.2025 й., 07/25/01/0059-сон;
20.08.2025 й., 07/25/253/0752-сон
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/03/03/crime-stats/>
4. <https://www.president.uz/uz/2025/07/08/crimes/>